Ушбу сонда:

2 ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

3 TV - ДАСТУРИ

4 ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 28 апрел, жума №60 (892)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 55 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 5000 (5 минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда тўланишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказишни ташкил этиш топширилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 26 апрел.

## МУҲИМ САНАЛАР ОЛДИДАН

***Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.***

Мамлакатимизнинг тўққиз йил мобайнида эришган ютуқларини тараннум этувчи умумхалқ шодиёнасига ҳозирлик ҳар йилгидан эртароқ бошланганини таҳсинга лойиқдир. Бу байрамга пухта тайёргарлик кўриш, уни ташкилий ва бадиий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш имконини беради, албатта. Шонли санага мамлакат миқёсида тайёргарлик ишларининг ҳозирги аҳволи ҳақида Маданият ишлари вазири Х.Жўраев,- Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Эрназаров ахборот берди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов пойтахтда ўтадиган байрам тантаналари сценарийсининг дастлабки режаси билан таништирди.

Ташкилий қўмита байрам олдидан мустақиллигимизнинг 9 йиллигини тантанали равишда ўтказишнинг бадиий-сиёсий ғоялари учун; пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун; энг яхши миллий мусиқа асарлари учун; энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун; вилоятларнинг энг мукаммал фольклор бадиий дастурлари учун республика танловини эълон этишга қарор қилди.

Шу куни мамлакатимизда 9 май - Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш борасида тузилган Республика комиссиясининг ҳам мажлиси бўлди. Мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда жамоат ташкилотларининг иштироки борасида «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Ш.Жалилов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидландики, мамлакатимизда ҳозирги кунда 59 минг 300 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, икки юз эллик мингдан зиёд фронт ортида меҳнат қилган фахрий истиқомат қилмоқда. Байрам муносабати билан уларнинг ҳолидан хабар олиш, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматларини шарафлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги ҳукуматимиз қарори ана шундай улкан ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан фахрийларимизга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларга моддий ёрдам кўрсатиш; маҳалла, гузар, кўча ва хонадонларда, қабристон ва қадамжоларда ободонлаштириш ишларини ўтказиш; пенсионерлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиш борасида тадбирлар режаси маъқулланди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларига театр ва томоша залларида бадиий саҳна асарлари ва театрлашган томошалар, концертлар ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**





## УМР МАЗМУНИ

У жуда оз умр кўрди. Бироқ ҳаётда нурли из қолдириб кетди. Ўзининг жонкуярлиги, янгиликка ўчлиги, ишни ҳамиша ўта масъулият билан бажариши ҳамкасбларига, ёшларга катта мактаб эди. Маъруф Хўжаевни хотирлаган «Ўзбеккабел» давлат акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари гап орасида: «Эҳ, Маъруф бўлганида борми...» деб қўйишади. Бунда чуқур маъно бор.

Маъруфжон корхонада оддий ишчи сифатида фаолият бошлади. Иштиёқ, қонун-қоидаларни яхши билганлиги, экспорт масалалари билан алоҳида шуғулланганлиги иқтидорли мутахассис сифатида ялт этиб кўзга ташланишида муҳим рол ўйнади. Ҳалол меҳнат туфайли у директор ўринбосари даражасигача кўтарилди.

Моҳир ташкилотчи ташаббуси билан амалиётга жорий этилган илғор иш усуллари эндиликда ғоят асқотмоқда. Қолаверса, Маъруф хориж сармоясини жалб этишнинг аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб борганди. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Олег Голошаповнинг таъкидлашича, у чинакам фидокор сифатида энг яхши инсоний фазилатларни намоён этди. Катта жамоа эришган муваффақиятларда унинг алоҳида ҳиссаси борлигини эндиликда кўпчилик миннатдорчилик ила эътироф этмоқда. Барча қатори мазкур акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам Маъруфжон сингари ажойиб инсонлар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган тадбирларни изчил амалга ошириб, порлоқ хотиралари олдида таъзим бажо этмоқдалар.

**Ғафур ИСМОИЛОВ,**
**«Ўзбеккабел» давлат акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив давлат бошқармасида «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ва туман давлат архив муассасалари раҳбарлари, шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш республика комиссияси аъзолари, тарихшунос олимлар, адиблар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш республика комиссиясининг раиси Н.Каримов сўзга чиқиб, Шўро замонида қатағонга учраган қурбонлар номини аниқлаш, меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришда архивларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади. Тарихий ҳақиқатни тиклашда, айниқса, халқимизнинг фидойи фарзандларига ҳурмат-эътиборни жойига қўйишда архив ҳужжатларидан унумли фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Айни вақтда республикамиз миқёсида бу борада талайгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойлардаги архив ҳужжатларини чуқур тадқиқ этиш билан бир қаторда, Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган аждодларимиз хотирасига бағишлаб пойтахтимиз Тошкент шаҳрида улкан боғ ва муқаддас қадамжо барпо этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари халқимизнинг маданий-маънавий оламини янада бойитиш, тарихий меросини авайлаб-асраш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Архив муассасаларида ҳали-ҳануз кўплаб ноёб тарихий ҳужжатларнинг тахлами бузилмай турибди. Уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва зарур бўлса, чоп этиш соҳа олимлари ҳамда мутахассислари олдидаги муҳим вазифалардандир.

**(ЎзА)**

## ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Ҳиндистон Республикаси Президенти Кочерил Раман Нараянаннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1-3 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлади.

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий нашри — «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» бу йилги биринчи сони нашрдан чиқди. Унда 1999-2000 йилларда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлари сайлови билан боғлиқ расмий материаллар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини нафақат мамлакатимиз халқи, балки, бутун жаҳон аҳли катта қизиқиш ва эътибор билан кузатгани маълум. Буни хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақидаги хабар ва мақолалардан ҳам билса бўлади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жаҳон нигоҳида» сарлавҳали мақолада жаҳон оммавий ахборот воситаларида шу мавзуда ёритилган хабарлар билан танишиб, мамлакатимизда ўтказилган Президент сайловига ташриф буюрган халқаро кузатувчилар ва бошқа нуфузли меҳмонларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ўтказилган сайлов натижалари ҳақидаги Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комиловнинг таҳлилий мақоласи ҳам «Ахборотнома»нинг ушбу сонидан ўрин олган.

Шунингдек, «Ахборотнома»да Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг бошқа хабарлари ёритилган.

## МУРОД ПОЛВОН МУТЛАҚ ҒОЛИБ

Нукусда ўн икки карра Ўзбекистон чемпиони Сапалоқ полвон Шомуродов хотирасига бағишлаб кураш бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатларидан келган 150 нафар кучли полвон икки кун давомида беллашди. Миллий курашимизнинг нақадар жозибадорлиги ва ҳалоллигини яққол намойиш этган қорақалпоғистонлик полвонлар - Қудрат Аҳмедов олтмиш килограммгача, Жумабой Қонёров эса 66 килограммгача бўлган вазнда ғолиб келди. Бухоролик Абдулла Саидов, самарқандлик Рустам Отаев ўз вазнлари тоифасида турнир чемпиони бўлди.

Халқаро турнирнинг мутлақ чемпиони унвони ва бош соврин - «ВАЗ-2606» русумли автомашина қорақалпоғистонлик полвон Мурод Отаниёзовга насиб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов ғолибларга мукофотларни топширар экан, ўзининг юксак маҳоратини намойиш қилган спортчиларга ўзбек кураши шуҳратини жаҳонга янада кенг ёйишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

## БАРЧА МАНФААТДОР

Самарқанд вилоят касаба уюшма фаоллари йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев жамоа шартномаларининг бажарилиши, меҳнат қонунларига риоя қилиниши, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш масалалари юзасидан маъруза қилди.

Йиғилишда туман ҳокимлари, ҳокимлар ўринбосарлари, вилоят бошқармалари раҳбарлари иштирок этди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Инсон азиз!*

## ТУНДА ИШЛОВЧИ ФИДОЙИЛАР

***Жамоа шартномаси ишловчининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари кафолатидир. Унда белгиланган йўналишлар, талаблар орқали меҳнаткашлар қатор имтиёзларга эга бўлишаяпти. Хусусан, Сирдарё вилоят алоқа ходимлари касаба уюшма қўмитаси тармоғидаги корхоналарда бу ҳуқуқий ҳужжат ижроси намунали ташкил этилган. Масалан, ўтган йили шартнома шартларига мувофиқ ишчи-хизматчиларнинг ҳар бири 29.907 сўм қўшимча маблағга эга бўлди. Қўмита раиси Эркин Турдибоев билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.***

**- Жамоа шартномаларини тузишда касаба уюшмалари устувор ҳуқуққа эга. Тизимда бу ўз аксини топаяптими?**

- Ишимизни «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида ташкил этганмиз. Энг муҳими, жамоа шартномаларининг аксарият шартлари адо этилаётир. Тўғри, кўпгина жамоаларда тузилган шартнома ва битимларда кўзда тутилган бир қатор талаблар ижроси таъминланмасдан қолиш ҳоллари ҳам бўлади. Бу маблағ танқислиги, иқтисодий етишмовчиликка боғлиқ.

Корхонамизда 730 киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 14000 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, улар ҳар ойда 3,5 минг сўмдан моддий рағбатлантирилади. Ўн икки нафар кишига оилавий шароити тақозосига кўра ойлик маоши сақланган ҳолда қўшимча меҳнат таътили берилди. Ишчи-хизматчиларимизнинг 5 нафари дам олиш оромгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтишди. 144 нафар ходим 176000 сўмлик махсус кийим-бош билан таъминланди.

**- Маълумки, алоқа ходимлари дам олиш, байрам кунлари ҳам хизмат жойларида бўлишади. Шундан келиб чиқиб жамоа шартномасида қатор имтиёзлар кўзда тутилган экан. Унинг ижроси қандай бўлаяпти?**

- Ўтган даврда зарарли ва оғир ишларга жалб этилган 250 нафар кишининг ҳар бирига 352,0 сўмдан қўшимча ҳақ тўланди. Ноқулай об-ҳавода иш бажарган 264 киши 444,6 сўм қўшимча даромадга эга бўлди. Байрам кунларида 75 киши хизматда бўлгани учун 176,7 сўмдан, тунда ишлаган 25 кишига 160,9 сўмдан қўшимча иш ҳақлари тўланди. Тизимда узоқ йиллар самарали ишлаган 631 киши 8369 сўм миқдорида рағбатлантирилган бўлса, 645 ходимга 8349,9 сўмдан мукофот пули берилди. Шунингдек, шу чоғда қарилик гаштини сўраётган 22 нафар меҳнат фахрийларимиз ҳолидан хабар олиб туришни ташкил этганмиз. Корхона томонидан пенсионерларнинг ҳар бирига йил давомида ўртача тўрт ойлик маош миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Алоқа ходимларининг шаҳарлараро телефон алоқаси ҳамда уйларидаги телефон хизмати ҳақи корхона ҳисобидан қопланади.

**- Тармоқдаги аёлларни ижтимоий ҳимоялаш хусусида ҳам тўхталсангиз.**

- Жамоа шартномамизда биринчи галда аёллар иш жойининг хавфсиз бўлишига эришиш кўзда тутилган. Шунингдек, хотин-қизларни оғир ва зарарли ишларга жалб этмаслик, меҳнатга яраша ҳақ олишини таъминлаш, тариф ставкалари, маошлар миқдори, разрядлар берилишида чегиришларга йўл қўймаслик қатъий шарт қилиб қўйилган. Алоқа тизимимизда 326 нафар, почта соҳасида эса 375 нафар аёл хизмат қилади. Ҳар бир оила корхона томонидан суғурта қилинган. 45 нафар аёл корхона ҳисобидан соғломлаштирилди. Улар саломатлигини тиклаш мақсадида 440 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, ҳомиладор аёлларга бериладиган таътил муддатини корхона ҳисобидан беш ойгача узайтириш чора-тадбирлари кўрилди. Жамоа шартномасида кўзда тутилган муҳим бандлардан яна бири ногирон, ёш болали, ҳомиладор аёлларга алоҳида иш меъёрларини белгилаш, улар саломатлигини сақлаш учун зарур сарф-харажатлар кўзда тутилган. Ўтган йили тиббиёт масканлари билан шартномалар тузилиб, 25 нафар аёл соғломлаштирилди. Корхона ҳисобидан 125 минг сўмлик дори-дармон харид қилинди.

**- Иш жараёнида кўнгилсиз ҳолатлар олди олинганми?**

- Яширишга не ҳожат. 1998 йилда Боёвут туман алоқа бўлими нурчиси иш пайтида бахтсиз ҳодиса сабабли оламдан кўз юмди. Унинг оиласини ёлғиз ташлаб қўймадик. Корхона 487 минг сўм товон, 40 минг сўм суғурта пулини ўз муддатида тўлаб борди. Айни пайтда марҳумнинг ойлик маошини тўлалигича оила аъзолари олишмоқда. Бундан ташқари, уларга вақти-вақти билан ун, ёғ етказиб бераяпмиз.

Бу фожиали воқеа бизга сабоқ бўлди. Барча ходимлар ўқитилиб, техника хавфсизлиги чора-тадбирлари кўрилди. Бунинг натижаси ўлароқ ўтган йилда кўнгилсиз ҳодисалар юз бермади.

**- Қатор ташкилотларда касаба уюшма фаолларининг таъсири кўзга ташланмайди. Бу ҳақда фикрингизни билишни истардик.**

- Ташкилот мавқеи унинг етакчисига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бизнинг алоқа ва почта ходимлари бирлашган касаба уюшмамизнинг 1376 нафар аъзоси бор. Жойларда 5 та бошланғич, 25 та цех касаба уюшма ташкилотлари фаолият юритаяпти. Уларнинг етакчиларини танлов асосида сайлаганмиз.

Ўтган йили имзоланган жамоа шартномамиз 335 банддан иборат эди. Йил давомида унинг бажаралишини бир неча маротаба муҳокама қилдик. Оқибатда шартномада кўзда тутилган аксарият бандларнинг амалийлиги таъминланди.

**Суҳбатдош: Н.ШАМСИЕВ.**

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

# ҚОНУННИ БИЛМАГАН ҚАДАМИДА ҚОҚИЛАР

Қонунлар инсон манфаати, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши уни чуқур билиши лозим. Айниқса, раҳбар қонунни мукаммал эгалламас экан, у ўз фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этолмайди. Таассуфки, баъзи масъулиятли лавозимда ишлаётган шахслар бу оддий ҳақиқатни англаб етолганларича йўқ. Демак, бундай шароитда жамоада ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар юзасидан фуқароларнинг юқори ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишлари табиий.

Биргина мисол: фақат бизнинг бўлимимизга кейинги уч ой мобайнида ўн тўрт нафар киши мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқларини тиклаб беришни сўрашди. Ушбу аризаларни атрофлича ўрганиб чиқдик. Жумладан, вилоят спорт қўмитаси бош ҳисобчиси А.Склерова, уни ишдан ноҳақ бўшатишгани боис, адолатни тиклашга ёрдам беришимизни сўраган. Текширишлардан маълум бўлдики, А.Склерова навбатдаги меҳнат таътилидан сўнг ҳеч бир сабабсиз ўз иш жойига қўйилмаган. Бундай ҳаракат эса Меҳнат кодексининг 113-моддасига зид эканлигини қўмита маъмурияти «унутиб» қўйган.

Уларга қонун талабларини яна бир карра эслатиб қўйишга тўғри келди. А.Склерованинг ўз лавозимига тикланиб, 1999 йил 12 декабрдан 2000 йил 5 январгача мажбуран бўш юрганлиги учун 6500 сўм миқдоридаги иш ҳақи ундириб берилди.

Фуқаро А.Гудкова ҳам касаба уюшмалари кенгашига мурожаат қилиб, ўзининг поймол бўлган ҳуқуқини тиклашга ёрдам беришимизни сўраган. Текширишда вилоят ҳокимлигига қарашли махсус қурилиш бошқармаси маъмурияти унга нисбатан адолатсизликка йўл қўйгани маълум бўлди. А.Гудкова қурилиш бошқармаси билан тузилган меҳнат шартномаси 1999 йил 15 январда бекор қилинганига қарамасдан 1999 йил 27 декабрга қадар меҳнат дафтарчасини ололмасдан келган. Оқибатда бошқа ерга ишга кириш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган. Қурилиш бошқармаси А.Гудковага бевосита маъмурият айби билан бекор юрган кунлари учун 46 минг сўм тўлади.

Шунингдек, «Ўзгазсбит» маъмурияти ҳам ходимлар Р.Юнусова ва М.Норматовларга нисбатан адолатсиз иш кўрган. Ҳар иккала ходим ҳам ўз лавозимларидан нотўғри бўшатилган. Натижада улар қарийб икки ой мобайнида бекор юришга мажбур бўлишган. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши аралашувидан сўнггина улар ўз иш ўринларига тикландилар. Мажбуран бекор юрган кунлари учун Р.Юнусова 40444 сўм, М.Норматовга эса 52611 сўм иш ҳақи ундириб берилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ҳам меҳнат қонунларига зид равишда Т.Очилов ўз лавозимидан четлаштирилган. У ҳам ўз ўрнига тикланиб, мажбуран бекор юрган кунлари учун тегишли иш ҳақи ундириб берилди. Таассуфки, бундай хунук ҳоллар қатор корхона, ташкилотларга қимматга тушиб, моддий ва маънавий зарар кўрилди.

Қонун барчага баробар, унга бўйсуниш, ижросини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шундай бўлгач, меҳнат қонунлари иш фаолиятимизда дастуриламал бўлмоғи даркор.

**Жанна ЦОЙ,**
**Сирдарё вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқ бўлими бошлиғи.**

Косонсой туманидаги «Текмен» қўшма корхонасида жунни қайта ишлаб, костюм, пальто каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада қўлда гилам тўқиш учун калава ип ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Жамоада 1 йилда 3 минг тонна жун қайта ишланиб, ундан 2,5 миллион погонометр костюмбоп мато тайёрланмоқда.



**Суратда: ип йигирувчи Қундузхон ДАДАБОЕВА.**

**Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин*

# ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

Қумқўрғонлик тадбиркор Зумрад Ҳайитовани кўпчилик яхши танийди. Оддий фаррошликдан иш бошлаган қишлоқ аёли бугун раҳбар, она, суюкли момо, боғбон, меъмор, бинокор бўлиб донг таратмоқда. Биз бугун унинг мамлакатимиз иқтисодий ривожига муносиб улуш қўшиб, одамларни ижтимоий ҳимояга олганлиги тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Бугунги дориломон замонда шахсан Президентимиз, республика ҳукумати аёллар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, юртимизда тадбиркорликка ҳам кенг йўл очилди, хайрли ташаббуслар маъқулланмоқда. Зумрад Ҳайитова бу йўналишдаги ишни роппа-роса ўн йил олдин бошлаган эди. Ўтган давр ичида у анча ютуқларга эришди. Жумладан, туман матлубот жамияти негизидан кичкина савдо шохобчасини ажратиб олиб, астойдил меҳнат қилди. Атрофига йиғилган 30 нафар ходимни ҳам шунга ундади. Кейинроқ тикувчилик цехи, ошхона, 4 та дўкон, гилам тўқиш ва қандолатчилик цехларини ташкил этиб, 50 нафар ишчига иш ўринлари яратилди. Асосан уй бекаларини иш билан таъминлади. Корхонанинг ўзида тайёрланган атторлик моллари, қандолатчилик маҳсулотлари анча кўпайди. Энди туман ва вилоят миқёсидаги анжуманларда Зумрад Ҳайитованинг номи алоҳида урғу билан айтилади. У туман марказий бозорида 3 та дўкон, икки қаватли шарқона усулдаги миллий таомлар ошхонасини барпо этиб, Қумқўрғон аҳолисига намунали хизмат қила бошлади. Ҳалол меҳнати билан бири икки бўлди. Тез орада цехларда тайёрланган ранг-баранг гиламлар ва бошқа буюмлар ўз харидорини топди. Нафақат туман, балки бошқа туманлардаги корхоналар, муассасалар ҳам буюртма бера бошладилар. Зумрад Ҳайитова «Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги нотекис ва суғориш қийин бўлган адирлик майдонидан 10 гектар ер олиб, боғ бунёд этди. Бунинг учун корхонанинг миллион-миллион маблағи кетди. Хуллас, ташаббускор аёл ишчи-хизматчилар сафини 170 нафардан ошириб юборди.

У бош бўлиб ҳар йили август ойида кам таъминланган оилалар ва етим болаларнинг суннат ва никоҳ тўйларини ўтказиб беради. Тўйболаларга банкларда ҳисоб дафтарчалари очади. Турли олий билимгоҳларда шартнома тўлови билан ўқиётган талабаларнинг контракт пулларини тўлайди. Ҳар бир байрамда ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг кўнглини олади. 2 нафар ногиронга аравача ҳадя этди. Зумрад опадаги бағрикенглик, саховатлилик каби хислатлардан кўпчилик ўрнак олса арзийди. Унинг ташаббуси билан туман марказидан ўн чақиримча олисдаги қишлоққа табиий газ олиб борилди. Эзгуликка бел боғлаганлар эса асло кам бўлмагай.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# «ТЕРМИЗНОН» ХОРИЖГА

«Термизнон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти йил бошида Осиё тараққиёти банкидан 464560 АҚШ доллари миқдорида кредит олган эди. Шу маблағ эвазига Италиянинг «Такнаган - прожект» фирмасидан 2 та, яъни макарон ва печенье ишлаб чиқарадиган кичик заводлар келтирилиб, бир ой муддат ичида ўрнатилиб, яқинда ишга туширилди, деди корхона раҳбари Парда Холматов «Туркистон-пресс» мухбирига.

П.Холматовнинг таъкидлашича, «Термизнон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти асосан шаҳарликларни нон маҳсулотлари, шунингдек ширинликлар билан таъминлайдиган корхона бўлиб, чет эл сармоялари жалб этилиши эвазига бу ерда кунига 1,5 тонна 5 турдаги макарон маҳсулотлари, шунча миқдордаги 7 хил печенье ишлаб чиқарилмоқда. Яна 24 киши иш билан таъмин этилди.

Кичик заводларнинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Термиз шаҳридан ташқари вилоятнинг барча туманларидаги савдо шаҳобчаларига ҳам етиб борди. Муҳими, маҳсулотлар ўзининг сифати жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Нархи ҳам арзон.

Корхона раҳбари Парда Холматовнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар икки завод ҳам шундай қувват билан ишлаб турса, узоғи билан икки йил ичида қарз бемалол узилади. Яна бир гап. Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар «Термизнон» ёрлиғи билан хорижга жўнатилади.

**«Туркистон-пресс»**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

# ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

***Жойларда тузилган жамоа шартномалари ижросини таъминлаш қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят қўмитасининг диққат марказида турибди. Қатор корхоналарда унинг бандлари тўлиқ бажарилишига эришилмоқда. «Андижонфуқаролойиҳа» ҳиссадорлик жамиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, 1999-2001 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасини бажариш жараёнида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, ходимлар ва нафақахўрларни дам олдириш, соғломлаштириш, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига жамият ҳисобидан қўшимча имтиёзлар белгилаш кабилар шулар жумласидандир.***

Ҳиссадорлик жамиятида 2 йил ва ундан ортиқ ишлаганларга 9 кун, илғор ишчилар, бўлим бошлиқлари ҳамда нафақахўрларга 12 кунгача қўшимча таътил белгиланган. Бундан ташқари, туғилган кун ва юбилейлар ўтказишга 1 кун, дафн маросимлари учун 3 кун ўртача ойлик маоши сақланган ҳолда таътил берилади.

Меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходимга бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. Таътил даврида ўз хоҳишига кўра ишласа, меҳнат қилган кунлари учун ҳам пул тўлаш жорий этилган. «Аёллар йили» муносабати билан жамиятда ишловчи барча хотин-қизларга бир ойлик маош миқдорида қўшимча пул берилди. Қурувчиларнинг касб байрами шарафига жамиятнинг барча аъзолари корхона ҳисобидан Самарқанд шаҳрига 3 кунлик саёҳатга бориб қайтишди.

Соғломлаштириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ходимларнинг тишларини даволатиш ва тиш қўйдириш текиндир.

Корхона маъмурияти яқинда вилоят темир йўлчилар шифохонаси билан шартнома тузди. Шунга кўра, йил бошидан буён 4 нафар ходим бу ерда соғлиғини тиклаб қайтди.

Соғлом аёлдан соғлом фарзанд туғилади. Буни қалбдан ҳис этаётган жамият бошқаруви меҳнат қилаётган хотин-қизларга ҳар жиҳатдан имтиёз беришга ҳаракат қилмоқда. 8 Март байрами арафасида уларнинг ҳар бирига бир ойлик иш ҳақлари миқдорида, жами 235 минг сўм мукофот пули тарқатилганлиги ҳам бунга мисолдир.

Ишловчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, жамият аъзоларининг вилоятни ободонлаштиришга қўшаётган ҳиссаси баракали бўлаётир. Ўтган йили вилоятда фойдаланишга топширилган 6 та жаҳон андозаларига жавоб берадиган коллежлар лойиҳалари мазкур жамият меъморлари томонидан яратилди. Ҳозирги кунда яна 3 та коллеж лойиҳалари тайёрланмоқда. Хўжаобод газ омборининг маъмурий ва турар жой бинолари, шаҳардаги янгидан таъмирланган А.Навоий номли маданият ва истироҳат боғи лойиҳаларининг муаллифлари ҳам айнан шу жамият аъзоларидир. Фойдаланишга топширилиш арафасида турган, Фарғона водийсидаги энг баланд бино — вилоят Марказий банки лойиҳаси ҳам эътиборга моликдир.

Бир сўз билан айтганда мазкур меҳнат жамоасининг вилоят ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги фаоллиги тобора ортиб бораяпти.

**Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти қўмитаси раиси.**

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

# «МАКТАБЛАР КУНИ» ШАРОФАТИ

***Олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири - ёш авлодни тарбиялаб, уларни эл-юрт ишига камарбаста, баркамол кишилар қилиб вояга етказишдир. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳам бу борада анчагина ишларни амалга ошираётир.***

Шу йилнинг январ ойидан бошлаб, шаҳар ва туманларда вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ ҳар ойда бир марта «Мактаблар куни» ўтказила бошланди. Мақсад «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим-тарбияни яхшилаш, илм даргоҳлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактаб кутубхоналарини зарур дарсликлар ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи янги адабиётлар билан бойитиш, ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан тарбиялашга самарали таъсир ўтказишдир. Шу мақсадда қўмитамиз томонидан мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 150 минг сўм, касаба уюшмаси шаҳар, туман қўмиталари томонидан эса 40 минг сўмдан 100 минг сўмгача, жами 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Ғиждувон туманидаги 3, 5, 6, 10-мактаблар турли жиҳозлар билан таъминланди. Касаба уюшмаси Коган шаҳри қўмитаси томонидан 30 минг сўмлик дори-дармонлар, Олот туман қўмитаси томонидан ажратилган бир қатор кўргазмали воситалар ҳам мактабларга тарқатилди.

Бундан ташқари, «Мактаблар куни» муносабати билан белгиланган тадбирларга мувофиқ тармоқ вилоят қўмитаси ўқишда ва жамоат ишларида илғор ўқувчи-ёшларга стипендиялар беришни ҳам ўз режасига киритган. Жумладан, Бухоро шаҳридаги олий ўқув юртлари талабаларидан 5 нафарига, ўрта махсус билим юртлари ўқувчиларидан 3 нафарига 1500 сўмдан, туманлардаги ҳунар-техника билим юртлари талабаларидан 34 нафарига шу йилнинг феврал ойидан бошлаб 1000 сўмдан стипендиялар берила бошланди.

Қўмита кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам беришни ҳам асосий вазифаларидан бири деб билади. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида уларга 1 миллион 150 минг сўм моддий ёрдам берилди. Наврўз, Қурбон ҳайити кунларида боқувчисини йўқотган кишиларга 2,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Агар ўтган йили тармоқ соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги мавсумда 9756 нафар бола соғломлаштирилган бўлса, бу йил бу борадаги кўрсаткични 9800 нафарга етказиш режалаштирилган.

Умуман, «Соғлом авлод йили» учун белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилаяпти. Жумладан, ўқув муассасалари талабалари ҳамда ўқувчи-ёшлар ўртасида бадиий ҳаваскорлик хорларининг вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Ғолибларга пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари, Наврўз байрамида оилали, етимесирлар, аълочи талабалар, фахрийлар касаба уюшма вилоят қўмитаси ва вилоят телевидениеси томонидан ташкил этилган телекўрсатувга таклиф этилдилар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, белгиланган тадбирларга мувофиқ вилоят таълим ва фан муассасалари ходимлари ва ўқувчи-ёшлари, талабалари ўртасида спортнинг 5 та тури бўйича спартакиада ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Соҳа ходимлари,талаба ва ўқувчи-ёшларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазалашда жамоа шартномалари ва битимларнинг аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш бўйича белгиланган шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши катта аҳамиятга эга. 1999 йилги жамоа шартномалари ва битимларнинг бажарилишига ҳамда 2000 йил учун қабул қилинган шартнома ва битимларни муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилган 63 та йиғилишда касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ходимлари фаол иштирок этдилар. Натижада бу йил тармоқнинг 1031 муассасасидан 1021 тасида жамоа шартномаси ва битимлар тузилди.

Хуллас, қўмитамиз томонидан белгиланган ишларнинг ўз вақтида ва изчил бажарилиши учун барча чоралар кўрилмоқда.

**Б.УМАРОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти қўмитаси раиси.**

*Қарор ва ижро*

# КОРХОНА МАОШДАН ҚАРЗДОР...

***Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устивор. Хўш, барча ерда бунинг моҳиятига тўла тушуниб етилганми? Айрим корхоналарда қонунбузарликлар нега содир этилаяпти? Олмалиқ шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Бахтиёр Комилов билан суҳбатимиз ана шу масала юзасидан бўлди:***

- Бу масалада ҳаётий фаолиятимизнинг битта муҳим жиҳати ҳақида фикр юритсак. Маълумки, минг-минглаб кишиларнинг самарали меҳнатлари туфайли жамият иқтисодий жиҳатдан ривожланади. Шу билан бирга, меҳнаткаш ўзи ва оила аъзоларининг фаровон турмушини меҳнати орқали топган маблағи ҳисобидан таъминлайди. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 17 ноябрда қабул қилган қарорида иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши юзасидан раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш ҳақида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Ушбу қарор негизида меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишга ётади.

Буни қарангки, ҳукумат қарори эълон қилинган бўлса ҳам, айрим лоқайд раҳбарлар пинак бузмай, ўз ҳаловатларини ўйлаб юришибди. Масалан, «Олмалиқтемирбетон» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Юрий Хегай, бош ҳисобчиси Нурия Резниклар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари натижасида корхона иш ҳақи юзасидан ишчиларга 3333,7 минг сўм қарздор бўлиб қолганлиги текширишларда маълум бўлди. Бу хатти-ҳаракатлари билан улар юқорида тилга олинган қарор ҳамда Меҳнат Кодексининг 161-моддасини ҳам бузганликда айбландилар.

**— Ана шундай ҳолатларга олиб келувчи сабаблар аввало нимадан бошланади?**

— Албатта, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш ушбу ҳолатга олиб келган. Аввало, дебитор қарзлар ўз вақтида ундирилмаган. «Фалон вақтда ҳисобимизга пул тушади, шунда тўлаймиз» қабилидаги ваъдалар корхонанинг ўзини ҳам кредитор қарздор бўлишга олиб келган. Ўз-ўзидан хомашё танқислиги юзага келганлиги ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига ҳамда ишлаб турган ишчилар сонининг қисқаришига сабаб бўлган. Масалан, 1999 йил бошида корхонада 80 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, йил охирига келиб, иш ўринларида 51 киши қолган. Мажбурий таътилга чиқарилган кишиларнинг тирикчилиги, оила таъминоти қандай аҳволга тушди? Бунинг учун ким жавоб беради? Албатта, раҳбарлик қилувчи, масъул кишилар. Меҳнат Кодексининг 161-моддасида молиявий аҳволнинг қандай бўлишидан қатъий назар, иш берувчи иш бажарувчига ҳар ярим ойда бир марта иш ҳақи тўлаб беришга мажбур эканлиги қайд этилган.

**- Совуққонлик, бепарволик оқибатида корхона ишлаб чиқариши қуввати кескин камайган. Оқибатда ўнлаб оилалар иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган. Бундай раҳбарларнинг ушбу қилмишлари Қонун томонидан қандай баҳоланади?**

- Ушбу масала юзасидан тергов жараёнида шу нарса аниқландики, ишчилар охирги марта 1999 йилнинг декабр ойида сентябр учун маош олишган. Қолган ойлар маоши учун корхона ишчилардан юқорида айтиб ўтилганидек, 3333,7 минг сўм қарздор бўлган. Ушбу маблағни топиш учун корхона раҳбарининг «Олмалиққўрғошинқурилиш» корхонасидаги 17 миллион 218 минг сўмлик, Ўзбекистон металлургия комбинатидаги 3,5 миллион сўмлик дебитор қарзларни ундириши керак бўлади. Аввало маҳсулотни қарзга олаётган корхонадан шартномада кўрсатилган пулнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағ ўтказилиши шартлиги Хегай ва Резникларнинг »эсларидан чиқиб» қолган. Ана шу ҳолатлар бўйича корхонага хизмат кўрсатувчи банкнинг текшириш ҳужжатлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида тергов ўтказилди. Ушбу ишни кўриб чиққан Олмалиқ шаҳар суди тергов хулосаларини тўғри, деб тасдиқлаб, «Олмалиқтемирбетон» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Юрий Хегай ва бош ҳисобчи Нурия Резникларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топди ва тегишли жазо чорасини белгилади.

Юқоридаги камчиликларнинг олдини олиш мумкин эмасмиди? Мумкин эди, албатта. Бунинг учун раҳбар ҳам, ҳар бир меҳнаткаш ҳам ҳаётда ва ўз иш ўрнида ўзига юклатилган вазифа масъулиятини тўлиқ ҳис этиши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларнинг амалда бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлигини ҳис этиши зарур. Бу ўринда раҳбарлардан талаб янада юқори. Чунки у қўл остида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим оиласининг турмуш кечириши етакчи сифатида унга боғлиқлигини унутмаслиги лозим.

**Темур ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.**

# TV дастури

**1- 7 май**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

## ДУШАНБА, 1

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
8.40 Лирик тароналар.
9.10 Хотира ва Қадрлаш кунига: "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бибихоним", "Биби. Убайда".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Париларнинг кузги совғаси". Бадиий фильм.
11.40 "Сиз уларни танийсиз".
12.05 "Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз".
13.05 "Оталар чойхонаси". Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 "Футбол шарҳи".
14.30 "Соғинч соҳили".
14.50 "Фалокат оёқ остида". Бадиий фильм.
16.25 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
16.45 Эртаклар —яхшиликка етаклар. "Қайнар хумча".
17.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
18.10 "Аралаш-қуралаш". Ҳажвий киножурнал.
18.30 "Тафсилот".
18.45 "Мусиқа бекати".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим —истиқболим".
21.25 "Ватан мадҳи". Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича "Фьючерс" Халқаро турнири. Андижон.
22.30 "Живз ва Вустер". Телесериал премьераси. 1-қисм.
23.20 "Ахборот".
23.50 "Маънавият" дастури.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр тонги".
10.00 Кўрсатувлар дастури.
10.05 "Янги авлод": "Уй вазифаси", "Шум болалар".
11.05 "Мусиқий лаҳзалар".
11.15 "Давр" ҳафта ичида.
11.55 "О, ёшлигим".
12.15 "Ватан ҳақида қўшиқлар".
12.25 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт—2000".
13.15 "Мусиқий лаҳзалар".
13.20 Баҳодир Йўлдошев театри: Мели Юсуф. "Чеча".
14.55 "Олтин мерос".
15.05 "Манзур".
15.25 "Солиқ ҳақида сабоқлар".
15.40 "Якшанбада кўришгунча".
16.00 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт—2000".
16.50 "Мусиқий лаҳзалар".
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" почтаси, "Мультомоша".
17.40 "Шарқ эстрадаси".
17.55 "Кураш. Саполак полвон хотирасига бағишланган халқаро турнир".
18.30 "Қишлоқдаги тенгдошим".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
18.55 "Эски альбомдан".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш".
19.35 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар": "Истеъдод — 2000", "Тақвим", "Ёшлик баёзи".
20.05 "Мусиқий лаҳзалар".
20.10 "Эрта сўнган юлдузлар". Лайло Алиева.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Доктор Финли". Телесериал.
21.30 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. "Очун". Ўтганлар ёди.
21.50 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Эколаш".
22.35 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари". Жаҳон чемпиони унвони учун жанг.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 "Ринг қироллари". Жаҳон чемпиони унвони учун жанг.
0.35 "Мусиқий лаҳзалар".
0.45 "Тонг юлдузи".

### «Тошкент» телеканали

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.30 "Спорт-тайм".
20.30 "Дорихона эшитади".
21.20 ТТВда сериал: "Қора дур доналари".
22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
23.55 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

**РЖТ 7.10 - 9.00.**
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
**15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.**
16.00 "Игорь Николаев: Ўттиз йилдан сўнг".
17.15 "Мультчархпалак".
**РДТ**
17.40 "Ўз-ўзига режиссёр".
18.10 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.20 "Дил изҳори".
**РЖТ**
18.55 "Евгений Петросян таклиф қилади". Концерт дастури.
20.00 "Время".
20.45 "Шлягер".
21.00 "Соккер-клуб".
21.20 "Дил изҳори".
22.00 "Вести".
**РЖТ**
22.35 Стинг, Паваротти, Иглесиас Сан-Ренодаги 50-фестивал қўшиқлари гала-концертида.
00.25 "Ахборот" (рус тилида)
00.50 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## СЕШАНБА, 2

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.10 "Зилол". Мусиқий дастур.
9.25 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Афсонавий Бухоро".
9.45 "Шарқнинг машҳур аёллари".
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: "Оцеола". Бадиий фильм.
11.35 Болалар учун. "Қувноқ шаҳарча".
12.05 "Маънавият" дастури.
12.45 "Живз ва Вустер". Телесериал. 1-қисм.
13.35 Эстрада тароналари.
14.10 "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи".
15.20 "Қабул соати".
15.45 "Аҳмад қаерда?" Бадиий фильм.
17.10 "Мулкдор".
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор"—"Хоразм" жамоалари. учрашувидан репортаж. "Пахтакор" Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида—Янгиликлар.
19.15 "Куйла, ёшлигим".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Шеър ва шуур".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олам қўшиққа тўлсин". Мусиқий дастур.
21.35 Теннис бўйича "Фьючерс" Халқаро турнири. Андижон.
22.10 "Қизлар давраси".
23.20 "Ахборот".
23.50 "Япония ҳақида ҳикоялар".
00.10 "Панагеянинг ўғирланиши". Бадиий фильм.
1.40-1.45 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ёшлар" телеканалида.
9.20 "Янги авлод" почтаси, "Мультомоша".
9.55 "Мусиқий лаҳзалар".
10.05 "Аср қиёфаси".
10.25 "Ассалом, Ҳиндистон!".
10.45 9 май — Хотира ва қадрлаш куни. "Очун". Ўтганлар ёди.
11.05 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.50 "Мусиқий лаҳзалар".
12.00 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар: "Истеъдод—2000", "Тақвим", "Ёшлик баёзи".
12.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари". Жаҳон чемпиони унвони учун жанг.
13.30 "Садо—99" саҳифаларидан.
13.45 "Доктор Финли". Телесериал.
14.35 "Сурур" Мусиқий дастур.
14.45 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.45 "Мусиқий лаҳзалар".
15.55 "ТВ-саёҳат".
16.10 "Жаҳон эстрадаси".
16.25 Бухоро телевидениеси, "Ёшлар" телеканали тақдим этади: "Муносабат".
16.50 "Мусиқий лаҳзалар".
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультомоша".
17.35 "Жаҳон жуғрофияси". "Қор йўлбарслари".
18.25 "Мутолаа".
18.40 "Таянч".
18.55 "Эски альбомдан".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш".
19.35 "Илҳомжон Фармонов куйлайди".
19.55 "Давр"-интервью.
20.10 "Марду-майдон".
20.35, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.40 "Доктор Финли". Телесериал.
21.35 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни. "Ёшлар овози".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.40 "Эколаш".
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.15 "Янги тонг".

### «Тошкент» телеканали

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".
9.25 "Сен ҳақингда ва сен учун".
9.55 "Сеними, шошмай тур!" Мультфильм.
10.05 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
10.45-11.05 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.30 "Спорт оламида".
20.30 "Туризм ҳақида".
21.20 ТТВда сериал: "Қора дур доналари".
22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
23.55 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
**15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.**
16.00 "Игорь Николаев: Ўттиз йилдан сўнг".
17.40 "Мультчархпалак".
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
**РЖТ**
18.10 Михаил Евдокимов ва унинг дўстлари.
20.00 "Время".
20.45 "ТВ-4 да Немис тўлқини".
21.05 "Спорт-клуб".
21.25 "Дил изҳори".
22.00 "Вести".
22.30 "Дил изҳори".
23.05 Кинематограф. "Қулупнайли музқаймоқ". Бадиий фильм.
00.30 "Ахборот" (рус тилида)
00.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## ЧОРШАНБА, 3

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Опера санъати саҳифалари".
9.10 "Оламни асранг!"
9.30 "Остонаси тиллодан". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Серғайрат кампир". Мультфильм.
10.15 Болалар учун. "Нурли келажак".
10.45 Кундузги сеанс: "Қизил қор ёққанда". Бадиий фильм.
12.05 "Озод юрт одамлари". Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.20 "Шу кунлар шиддати".
12.40 Гёте. "Фауст". Телевизион театр. 1-қисм.
13.30 "Устозлар даврасида". Мусиқий дастур.
14.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Семурғ" — "Турон".
14.55 "Бешбармоқ". Тележурнал.
15.20 "Парламент вақти".
15.40 "Ишбилармон кишилар". Бадиий фильм.
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 Болалар учун. "Ҳа, ҳа, ҳа".
18.30 "Иқтисод ва биз".
18.40 "Наво таралсин". Мусиқий дастур.
18.50 Хотира ва Қадрлаш кунига: "Умр мазмуни".
19.05 "Инсон ва қонун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 22.20 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Таълим-тарбия миллий дастури амалда".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим — истиқболим".
21.25 "Санъатим—саодатим". Мусиқий дастур.
22.00 "Футбол шарҳи".
22.25 "Живз ва Вустер". Телесериал премьераси. 2-қисм.
23.15 "Кулги терапия".
23.45 "Ахборот".
00.15 "Қанотлар парвози". Бадиий фильм.
1.45-1.50 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ёшлар" телеканалида.
9.20 "Янги авлод": "Эркатой", "Мульттомоша".
9.55 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр" - интервью.
10.15 "2000 - йилдан сўнг". Телесериал. 33-қисм.
10.35 "Семурғ". Ўсмирлар учун дастур.
10.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.55 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.40 "Таянч".
11.55 "Мусиқий лаҳзалар".
12.00 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
12.25 "Азизим".
12.45 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
14.15 "Шамчироқ".
14.30 "Мусиқий лаҳзалар".
14.35 "Доктор Финли". Телесериал.
15.25 "Олтин мерос".
15.35 "Довюраклар". Телесериал.
16.25 "Шарқ эстрадаси".
16.40 "Мезон".
17.00 "Бу ҳам кино". Телесериал.
17.25 "Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Янги авлод": "Қувноқ учрашув", "Мульттомоша".
18.05 "Эски альбомдан".
18.10 "Гуллар орасида".
18.20 "Болажоним—жигарбандим".
18.35 "Далил ва шарҳ".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш".
19.35 "Танишинг: Нуриддин Абираев".
19.55, 20.30, 22.30 Эълонлар.
20.00 "Спорт-лото".
20.10 "Рақслар қанотида".
20.30 "Мусиқий лаҳзалар".
20.35 "Ракурс".
20.55 "Сиз севган хонанда: Илҳомжон Иброҳимов".
21.25 "Эркин фикр".
21.55 "Каталог".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.40 "Эколаш".
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол.
1.15 "Хайрли тун!".

### «Тошкент» телеканали

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".
9.25 "Спорт-тайм".
9.45 "Сеними, шошмай тур!" Мультфильм.
9.55 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
10.35—10.55 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).
*
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.30 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.30 "Осойишталик фидойилари".
20.45 "Хайрли оқшом".
21.20 ТТВда сериал: "Қора дур доналари".
22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
23.55 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

**РЖТ 6.30-8.00**
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
**15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.**
**РЖТ**
16.00 "Тотли оғу". Телесериал.
17.00 "Мультчархпалак".
**РЖТ**
17.20 "Маски-шоу".
17.50 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.00 "Дил изҳори".
**РЖТ**
18.30 С.Сталлоне "Кобра" фильмида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.50 "Дурдаршан".
21.10 "Стомасервис". Мутлақ натижа.
21.25 "Дил изҳори".
22.00 "Вести".
22.30 "Кинематограф". "Осмондан тушган одам".
00.05 "Ахборот" (рус тилида)
00.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## ПАЙШАНБА, 4

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Соз сеҳри". Мусиқий дастур.
9.15 "Устоз".
9.35 "Дилнома". Шеърий композиция.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: "Лалварлик овчи". Бадиий фильм.
11.15 "Бола бошидан. "
11.35 "Ёнғоқ новдаси". Мультфильм.
12.05 Хотира ва Қадрлаш кунига: Ўзбекистон халқ артисти М. Ҳамидова.
12.35 "Живз ва Вустер". Телесериал. 2-қисм.
13.25 "Сумалак" ансамблининг концерти.
14.10 "Яшил чироқ". Телемусобақа.
14.45 "Ниҳол—2000". Ўзбекистон Олий ўқув юртлари театр танлови.
15.25 "Нотаниш дил суҳбати".
15.40 "Тўғри сўзнинг тўқмоғи". Бадиий фильм.
16.55 "Бинокор".
17.15 "Сувости салтанатида". Мультфильм.
17.25 "Аёл дунёни тебратар".
17.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. "Ҳикматлар хазинаси".
18.25 "Парламент вақти".
18.40 Хотира ва Қадрлаш кунига. "Унутмас мени Ватан". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10, 23.10 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни". Публицистик кўрсатув.
21.30 "Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал". Мусиқий дастур.
22.15 "Ижодий учрашувлар". А. Орипов.
23.15 "Ахборот".
23.45 "Жазда фақат қизлар". Бадиий фильм.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.55 "Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ёшлар" телеканалида.
9.20 "Янги авлод": "Қувноқ учрашув", "Мульттомоша".
9.55 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
10.20 "Гуллар орасида".
10.30 "Мусиқий лаҳзалар".
10.40 "Далил ва шарҳ".
10.55 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
11.40 "Мусиқий лаҳзалар".
11.50 "Эрта сўнган юлдузлар". Лайло Алиева.
12.10 "2000 - йилдан сўнг". Телесериал. 34-қисм.
12.30 "Мусиқий лаҳзалар".
12.35 "Темур ғори". Видеофильм. 1-қисм.
13.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.35 "Садо—99" саҳифаларидан.
14.50 "Довюраклар". Телесериал.
15.40 "Мусиқий лаҳзалар".
15.45 "Рақслар қанотида".
16.05 "Сенинг вақтинг".
16.25 "Спорт-қитъаси".
16.55 "Кўрсатувлар дастури".
17.00 "Янги авлод": "Олтин калит", "Мульттомоша".
17.35 "Бизнес-доктор". 9-кўрсатув. "Банкротлик".
18.05 "Олтин мерос".
18.15 "Тараққиёт".
18.30 "Икки эшик ораси".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш".
19.35 "Табобат оламида".
19.55 "Давр"-интервью.
20.10 "Мухлис".
20.35, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.40 "Доктор Финли". Телесериал.
21.35 "Бегойим".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.40 "Эколаш".
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.15 "Хайрли тун!".

### «Тошкент» телеканали

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".
9.25 "Спорт оламида".
9.45 "Сеними, шошмай тур!" Мультфильм.
9.55 "Дилором наволар".
10.05 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
10.50—11.10 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).
*
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.00, 21.00, 22.30, 23.45 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.35 Хотира ва Қадрлаш кунига. "Тошкент ва тошкентликлар".
20.30 "Ёшлар ҳудуди".
21.20 ТТВда сериал: "Қора дур доналари".
22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 "Саховат".
23.00 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
00.05 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

**РЖТ 6.30-8.00**
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
**15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.**
**РЖТ**
16.00 "Тотли оғу". Телесериал.
17.00 "Мультчархпалак".
**РЖТ**
17.20 "КВН сайёраси".
17.50 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.00 "Дил изҳори".
**РЖТ**
18.35 "Мортал Комбат". Бадиий фильм.
20.00 "Время".
21.00 "Кино сайёраси".
21.20 "Дил изҳори".
22.00 "Вести".
22.30 Кинематограф. "Тепаликдаги уй". Бадиий фильм.
23.50 "Ахборот" (рус тилида)
00.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## ЖУМА, 5

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 "Севги сурури". Мусиқий дастур.
9.25 Хотира ва Қадрлаш кунига "Ўзбектелефильм" намойиши: "Мунаввар қори".
9.40 "Зийнат".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: "Соқов ва муҳаббат". Бадиий фильм.
11.40 "Ғазалхон ёшлигим".
12.05 Гёте. "Фауст". Телевизион театр. 2-қисм.
13.05 "Рақслар гулдастаси".
13.20 "Олам". Дам олиш кинодастури.
14.10 "Ниҳол—2000". Ўзбекистон Олий ўқув юртлари театр танлови.
14.50 "Сомон йўли".
15.10 "Жонсарак". Мультфильм.
15.20 Болалар учун. "Қўшиқ байрами".
15.55 "Жадвалдан ташқари поезд". Бадиий фильм.
17.10 Хотира ва Қадрлаш кунига "Оқибат".
17.30 "Рақибингиз — гроссмейстер".
17.40 "Сиҳат-саломатлик".
18.10 Болалар учун. "Доно бобо даврасида".
18.30 "Тарих ва тақдир".
18.50 "Қалб тароналари". Мусиқий дастур.
19.10 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Аруз гулшани".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Баркамол авлод орзуси".
21.30 Хотира ва Қадрлаш кунига: "Қиёфа". Лутфихоним Саримсоқова.
22.05 Санъат усталарининг концерти.
22.35 "Живз ва Вустер". Телесериал премьераси. 3-қисм.
23.25 "Ахборот".
23.55 "Маҳбус". Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Ёшлар" телеканалида.
9.20 "Янги авлод": "Олтин калит", "Мульттомоша".
9.55 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр"-интервью.
10.15 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
10.40 "Дирижабл".
11.00 "2000 - йилдан сўнг". Телесериал. 35-қисм.
11.20 "Мусиқий лаҳзалар".
11.30 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.15 "Дилбарим".
12.35 "Темур ғори". Видеофильм. 2-қисм.
13.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
14.35 "Олтин мерос".
14.45 "Доктор Финли". Телесериал.
15.35 "Мухлис".
16.00 "Кусто командасининг сувости саргузаштлари". Телесериал. 11-қисм.
16.30 "Кўнгил кўнгилга пайванд".
17.00 "Кўрсатувлар дастури".
17.05 "Янги авлод": "У ким? Бу нима?", "Мульттомоша".
17.40 "Ёшлар ва маънавият".
17.55 "Автосалтанат".
18.10 "Талабалик—даврим менинг".
18.30 "Азизим".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш".
19.35 "Ҳуқуқ ва бурч".
20.15 "Мусиқий лаҳзалар".
20.20 "Аср қиёфаси".
20.40, 21.35, 23.45 Эълонлар.
20.45 "Доктор Финли". Телесериал.
21.40 "Аскар мактублари".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.40 "Эколаш".
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".
23.45 "Жаҳон эстрадаси".
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 "Мусиқий лаҳзалар".
0.25 "Мунаввар тонг истаб".

### «Тошкент» телеканали

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".
9.25 "Биз ва болалар".
9.45 "Сеними, шошмай тур!" Мультфильм.
9.55 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
10.40—10.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида).
*
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 19.50 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.30 "Фаровонлик бекати".
20.30 "Онагинам".
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.20 ТТВда сериал: "Қора дур доналари".
22.00 Телегазета "Экспресс".
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
23.55 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

**РЖТ 6.30-8.00**
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
**15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.**
16.00 "Тотли оғу". Телесериал..
17.00 "Мультчархпалак".
**РЖТ**
17.20 "Жентельмен-шоу".
17.50 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.00 "Дил изҳори".
**РЖТ**
18.45 "Мўъжизалар майдони".
19.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
20.00 "Время".
20.50 "СНН-шоу".
21.05 "Вақт хазинасидан".
21.20 "Тақдир".
21.35 "Дил изҳори".
22.00 "Вести".
22.30 Кинематограф. Арнольд Шварценеггер "Жангари фильмининг сўнгги қаҳрамони" фильмида.
23.55 "Ахборот" (Рус тилида)
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## ШАНБА, 6

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.15 "Ҳидоят сари".
**"Умид" намойиш этади:**
9.40 "Табассум кўчаларида".
10.10 "Шу Ватанга бордур менинг керагим".
*
10.30 О.Фармон "Арвоҳ қаҳри". Теленовелла. 1-қисм.
11.15 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни". Публицистик кўрсатув.
11.40 "Спорт, Спорт, Спорт". Телешарҳ.
12.05 "Орзули олам бу".
12.20 "Куйлардан—қўшиқларга". Мусиқий дастур.
12.40 "Живз ва Вустер". Телесериал. 3-қисм.
13.30 "Аёл дунёни тебратар".
13.45 "Цирк! Цирк! Цирк!"
14.05 "Дўстлик" видеоканали: 1. Мехрангез. 2.Жетиген.
14.25 "Келин-куёв". Телешоу.
15.25 "Қалтис қадам". Бадиий фильм. 1-2-сериялар.
17.25 "Камолот сари".
17.40 "Фламинго". Кинокўрсатув.
18.00 "Чемпион билан учрашув". Спорт дастури.
18.20 "Динозаврлар билан сайр". Телесериал премьераси. 1-қисм.
18.50 "Ранглар жилоси".
19.00 "Мусиқа бекати".
19.10 "Қишлоқ ҳаёти".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз".
22.05 "Балли, раислар!"Телемусобақа.
23.00 "Олам футболи".
23.25 "Дунё гавҳарисан азим Самарқанд". Мусиқий дастур.
23.50 "Ахборот".
00.20 Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашуви "Дўстлик" - "Нефтчи". 2-тайм.
**"Тунги ёғду". Дам олиш дастури.**
1.05 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Олтиной". Бадиий фильм. 1-қисм.
2.05-2.10 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.00 "Давр тонги".
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 "Янги авлод": "У ким? Бу нима?", "Мульттомоша".
9.40 "Мусиқий лаҳзалар".
9.45 "Болажоним —жигарбандим".
10.00 "Ракурс".
10:20 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
11.20 "Мусиқий лаҳзалар".
11.25 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. Хайриддин Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". Видеофильм. 1-қисм.
12.50 "Охунжон Мадалиев куйлайди".
13.10 "Табобат оламида".
13.30 "Ўғрини ушла". Телесериал.
14.15 "Кутилмаган меҳмон".
14.40 Болалар учун мультфильм. "Денгиз итлари". 3-қисм.
15.05 "Қишлоқдаги тенгдошим".
15.25 "Доктор Финли". Телесериал.
16.15 "Эркин фикр".
16.45 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
17.45 "Кўрсатувлар дастури".
17.50 "Янги авлод": "Бўш ўтирма", "Мульттомоша".
18.25 "Эски альбомдан".
18.30 "Кинотақдим".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Бизнес-академия".
19.55, 20.40, 22.45 Эълонлар.
20.00 "Ўғрини ушла". Телесериал.
20.50 "Муҳриддин Холиқов: "Соғинч куртаклари".
21.25 "Баҳс".
21.45 "Мусиқий лаҳзалар".
21.55 "Каталог".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 Шанба экрани. "Хатарли йўл". Бадиий фильм.
23.50 "Мусиқий лаҳзалар".
24.00 "Хайрли тун!"

### «Тошкент» телеканали

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.50 "Сеними, шошмай тур!" Мультфильм.
10.00 "Билиб қўйган яхши".
10.10 ТТВда сериал: "Машҳур ва бадавлат одамлар".
10.55 "Туризм ҳақида".
11.25 "ТВ-плюс".
11.55 "Дўстлик" видеоканали. "Умид", "Бизнен мирас".
12.40 Телегазета "Экспресс".
13.05—14.25 Кинонигоҳ. "Ганг, сувларинг лойқаланди". 1-қисм.
*
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.00 Мультфильм.
18.15 Хотира ва Қадрлаш кунига. "Беғаразсиз суҳбат". Халқ артисти Н. Раҳимов.
18.30 "Пойтахт". Ҳафталик шарҳ (рус тилида)
18.50, 19.55 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.30 Телегазета "Экспресс".
20.30 "Оилавий марра".
20.50 Мусиқий танаффус".
21.00 "Пойтахт". Ҳафталик шарҳ.
21.20 ТТВда сериал: "Ит уяси". 23, 24-қисмлар.
22.05 Телегазета "Экспресс".
22.30 "Паловхон тўра". Хайрия кўрик танлови.
23.30 Кинонигоҳ. "Оқ фотиҳа".
00.50 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Аэробика ҳамма учун".
9.25 "Кино сайёраси".
9.45 Инглиз тили Сиз учун.
10.10 "Дурдаршан".
10.30 "СНН-шоу".
10.45 "Экран зийнати ва қиймати".
11.05 "7 дан 70 гача".
11.35 "Ташриф".
11.55-12.25 Немис тили.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
**РЖТ**
16.00 "Тотли оғу". Телесериал.
17.00 "Бинафша".
17.20 "Мюзик-холл".
17.40 "Британия кундалиги".
17.55 "Дил изҳори".
**РЖТ**
18.25 "Суғур куни". Бадиий фильм.
20.00 "Время".
20.50 "Биргаликда куйлаймиз".
21.25 Хотира ва Қадрлаш кунига. "Эксклюзив".
21.40 "Дил изҳори".
22.15 "Нафақат спорт ҳақида".
22.35 "Жонли сайёра".
22.45 Кинематограф. Ален Делон "Ҳавза" фильмида.
00.35 "Ахборот" (рус тилида)
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## ЯКШАНБА, 7

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.05 Ёш ижрочилар концерти.
9.35 "Ғаройибот".
**"Умид" намойиш этади:**
9.50 "Умид" ахбороти.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Орзулар қанотида".
11.20 "Билим-ринг".
12.00 Хотира ва Қадрлаш кунига: "Ўзбектелефильм" намойиши: "Увайсий".
12.25 "Шоҳрух" клуби.
12.55 О.Фармон. "Арвоҳ қаҳри". Теленовелла. 2-қисм.
13.40 "Тилаги ойдин қизлар". Мусиқий дастур.
14.05 "Кўзгу". Тележурнал.
14.25 "Регтайм". Бадиий фильм. 1-қисм.
15.40 Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашуви. "Насаф" — "Самарқанд-Динамо" жамоалари учрашувидан репортаж.
16.25 "Мозийдан бир мўъжиза".
16.40 "Регтайм". Бадиий фильм. 2-қисм.
17.45 "Бўстон". Тележурнал.
18.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.25 "Динозаврлар билан сайр". Телесериал премьераси. 2-қисм.
18.55 Хотира ва Қадрлаш кунига: "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оламга саёҳат".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Мусиқий учрашувлар". Тошкент вилояти Оққўрғон тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
21.55 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 "Футбол шарҳи".
22.50 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
**"Аср мўъжизаси" кинодастури:**
23.05 "Кино ва фантастика".
23.25 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Олтиной". Бадиий фильм. 2-қисм.
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.00 "Давр тонги".
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 "Янги авлод": "Бўш ўтирма", "Мульттомоша".
9.40 "Бизнес-доктор". 9-кўрсатув. "Банкротлик".
10.10 "Аскар мактублари".
10.30 "Эколаш".
10.45 "Ёшлар овози".
11.05 "Ўғрини ушла". Телесериал.
11.50 Равшан Матёқубов куйлайди.
12.10 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. Хайриддин Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". Видеофильм. 2-қисм.
13.30 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт—2000".
14.20 "Марду-майдон".
14.45 Болалар учун мультфильм. "Денгиз итлари". 4-қисм.
15.10 "Цирк, цирк, цирк".
15.30 "Мусиқий лаҳзалар".
15.40 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт—2000".
16.30 "Ўзбекистон қанотлари".
16.45 "Мусиқий лаҳзалар".
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 "Янги авлод": "Ким эпчил-у, ким чаққон", "Кичкинтой театри".
17.50 "Ақл ёшдамас".
18.05 "Толеънома".
18.25 "Якшанбада кўришгунча".
18.45 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. "Шамчироқ".
19.00 "Хоразм наволари".
19.20, 20.10, 21.40 Эълонлар.
19.25 "Ўғрини ушла". Телесериал.
20.15 "Синфдош".
20.40 Баҳодир Мамажонов куйлайди.
21.00 "Давр". Ҳафта ичида.
21.40 "Бу мунис лаҳзалар".
22.00 "Ёшлар" телеканалида премьера. "Ёввойи мушук дарасидан қочиш". Бадиий фильм.
23.30 "Тарона—2000" тақдимоти.
23.50 "Хайрли тун!".

### «Тошкент» телеканали

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 "Сеними, шошмай тур!" Мультфильм.
9.55 Хотира ва Қадрлаш кунига. "Сиз соғинган наволар".
10.25 "Билиб қўйган яхши" (такрор)
10.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.55 "Паловхон тўра". Хайрия кўрик танлови.
11.55 Телегазета "Экспресс".
12.20-13.50 Кинонигоҳ. "Ганг, сувларинг лойқаланди". 2-қисм.
*
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Эҳтиром ила..."
18.10 Хотира ва Қадрлаш кунига. "Дурдона".
18.30 "Пойтахт". Ҳафталик шарҳ.
18.50, 19.55 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.30 Телегазета "Экспресс".
20.30 "Тасанно".
21.00 "Пойтахт". Ҳафталик шарҳ.
21.20 ТТВда сериал: "Ит уяси". 25, 26-қисмлар.
22.05 Телегазета "Экспресс".
22.30 Кинонигоҳ. "Матрица".
00.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

### «Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Тонг" дастури.
10.05 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
11.45 "Парле ву франсэ?"
12.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
12.20 "Болалар олами".
12.50 "Фан-тайм" (болалар учун инглиз тили)
13.00 —14.05 "Дўстлик" видеоканали: "Маврид", "Дидар", "Машриқ оҳанглари"
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
**РЖТ**
18.05 "Даҳшат кўрфази". Бадиий фильм.
20.00 "Время".
21.00 "Тенгдошлар".
21.20 "Дил изҳори".
21.50 "Интернет ҳудуди".
22.05 "Дил изҳори".
22.45 Кинематограф. Курт Рассел "Тумстоун" саргузашт фильмида.
00.35 "Таҳлилнома" (рус тилида)
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

*Касаба уюшма спорти*

# ФУТБОЛ
# МИЛЛИОНЛАР СЕВГАН ЎЙИН

Ёшлар ўртасида футболни ривожлантириш ҳамда «Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмалари жисмоний тарбия - спорт жамияти болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида мини-футбол бўйича республика мусобақаларини ўтказиш лозим деб топилган эди. Ушбу тадбирни ўтказишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия спорт жамияти Марказий Кенгаши, Касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши ҳамда Жиззах вилоят футбол Федерацияси ҳомийлик қилмоқдалар.

Куни кеча мусобақаларнинг якунловчи турини ўтказувчи ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-тадбирий масалалар кўриб чиқилиб, мини-футбол мусобақаларини юксак даражада ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.



Ёш футболчилар уч кун давомида шаҳардаги энг яхши футбол жамоаси учун махсус тайёрланган жойларда куч синашдилар.

Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар жамоаларининг 150 дан зиёд ёш футболчилар иштирок этмоқдалар.

26 апрел куни Жиззах шаҳридаги Марказий ўйингоҳда Республика мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир кўнгилочар байрам тусини олганлиги боис у ўйиноҳга тўпланган футбол ишқибозлари ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар вилоят бадиий ҳаваскорлари, таниқли эстрада қўшиқчилари ижросидаги дастурни завқ билан томоша қилдилар.

Мамлакатимиз мадҳияси садолари остида жамоа сардорлари томонидан мусобақа байроғи кўтарилган, у учрашув бош ҳаками, Республика тоифасидаги ҳакам Мухтор Кенжаев мусобақалар жадвали билан таништириб ўтди. Ташланган қуръага биноан жамоалар 4 гуруҳга бўлиниб, даставвал ўз гуруҳларида беллашадилар. Сўнгра гуруҳ ғолиблари ўзаро куч синашиб, совриндорларни аниқлайди.

Биринчи тур баҳслари қуръага биноан Сирдарё-Бухоро, Андижон-Самарқанд, Хоразм-Тошкент шаҳри, Сурхондарё-Тошкент вилояти, Қашқадарё-Жиззах, Фарғона-Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий-Ғаллаорол жамоаларининг куч синашуви билан бошланди.

Мусобақалар давом этмоқда.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Касаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгаши ходими.**

*Каратэ*

***Шарқона яккакураш турларидан бири — каратэ бўйича халқаро мусобақаларда вакилларимиз Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келаётир. Ушбу ютуқларнинг қўлга киритишда Бекободдаги «Парвиз» клубининг ҳам улуши катта. Россиянинг Тольятти шаҳрида 29 апрелдан 2 майга қадар каратэ бўйича МДҲ кубоги учун кечадиган баҳсларда Ўзбекистонимиз шарафини «Парвиз» клубининг 8 ёшдан 45 ёшгача бўлган 14 нафар моҳир спортчилари ўз вазн тоифалари бўйича ҳимоя қилишади.***

таъкидлашича, МДҲ кубоги учун беллашувларда ёш каратэчилар қатори фахрийлардан Адҳам Юнусов, Бурхон Раҳмонов ҳамда ўзи кумитэ (якка олишув) бўйича гиламга чиқишади. Лекин клуб аъзолари халқаро мусобақаларга фақат ўз

# «ПАРВИЗ» ПАРВОЗИ

— Клубимиз ташкил этилганига эндигина олти ой бўлди, - деди жамоа президенти, «Соғлом авлод учун» ордени совриндори Абдумавлон Абдумўминов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. - Шу қисқа вақт мобайнида 120 та медаллар шодасини қўлга киритдик. Умумжамоа ҳисобида эришаётган ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Яқинда Самарқандда ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи, Ўзбекистон чемпионатида учинчи, Қаршида кечган «Наврўз» турнирида иккинчи ўрин насиб этди. Айни чоғда ака-ука жаҳон чемпионлари учовлон — Парвиз (8 ёш), Фаррух (10 ёш), Аъзам (12 ёш) Абдумавлоновлар мана шу клуб машғулотларидан камол топаётир. А.Абдумавлоновнинг ота-оналарнинг маблағи ҳисобига боришга мажбур бўляпти. Бу борада тегишли ташкилотлар томонидан каратэчиларга иқтисодий ёрдам берилса, ҳомийлар топишда кўмаклашилса айни муддао бўларди. Албатта, биз бу ишончни оқлаб, халқаро беллашувларда Ватанимиз байроғини доимо юксак кўтарамиз, дея сўзини якунлади клуб президенти.

# ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Миллатнинг ўзлигини, қадрият ва анъаналарини қолаверса, маънавий дунёқарашини кўз-кўз этишда санъатнинг ўрни чексиз. Зеро, санъат миллий мафкуранинг мустаҳкам ўзаги, инсон онги ва шуурини маърифат нури ила ёритувчи чироқдир.

Мустақиллик шарофати билан республикамизда анъанага айланган «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ кўрик-танловининг қуйи босқичлардан бошлаб оммавий тарзда ўтказиб борилиши, юрт жамоли, унинг бой тарихий мероси ва урф-одатларини улуғловчи, Истиқлолга шукроналикни тараннум этувчи қўшиқлар ҳамда юзлаб янги овозларни кашф этмоқда.

Турли соҳа меҳнаткашларини ўз таркибига жипслаштирган касаба уюшмалари ўз фаолиятининг бир қирраси ҳисобланмиш тармоқ аъзоларининг маданий дам олишларини ташкил қилиш, маънавий дунёқарашларини бойитиш мақсадида ҳар йили жойларда «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқчилик кўрик-танловини ўтказиб, янги қўшиқлар ва иқтидорли ҳаваскор қўшиқчиларни юзага чиқаришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, халқимиз ўртасида ушбу йўналишдаги кўрик-танловга бўлган қизиқиш ва ташналик йилдан йилга ортиб бормоқда. Айниқса, хўжаликлар ва ташкилотларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари тузилиб, улар фаолиятини жонлантиришга бўлган эътибор ошмоқда.

Яқинда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят қўмитаси тармоқ меҳнаткашларининг «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқчилик кўрик-танловини ўтказди. Кўрик-танлов низомига мувофиқ барча туманлардан сараланган ҳаваскор жамоалари тармоқдаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабалари замонавий эстрада ва мақом йўналишида ҳамда фольклор кўринишида Она юрт жамоли, тарихий анъана-ю қадриятлар, Истиқлол нашидаларини васф этувчи қўшиқлардан иборат дастурларни намойиш қилдилар.

Туманлар ва тармоқдаги ўрта махсус ўқув юртларидан ташриф буюрган жамоаларнинг ранг-баранг куй ва қўшиқлар орқали илгари сурган ўзликни англашдек муқаддас ғоялар мужассам этилган дастурлари йиғилганлар қалбида фахр туйғуларини уйғотгани табиий.

Кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра Пешку туман бадиий ҳаваскорлар жамоаси биринчи ўринни, жондорликлар иккинчи, Ғиждувон туман вакиллари эса учинчи ўринни эгалладилар. Кўрик-танловнинг энг кекса қўшиқчиси деб Ғиждувон туман, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидан Сафо бобо Содиқов, энг яхши яккахон ижрочи сифатида Бухоро тумани, «Бухоро» жамоа хўжалигидан Амин Салимов, энг яхши фольклор дастаси деб шу туман, «Ўрта Осиё» ширкат хўжалиги хузуридаги «Санамлар» фольклор дастаси, энг яхши мақомчи шарти бўйича Ф.Хўжаев туман, «Соҳибкор» ширкат хўжалигидан Собир Ҳазратқуловлар эътироф этилган бўлса, Вобкент туманидаги 4-сон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси Соҳиб Ҳотамов эса энг ёш ва ширали овоз соҳиби сифатида томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Жаҳонгир ШАРИПОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят қўмитаси маданий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси.**

# ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ҳадемай, болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми бошланади. Унга пухта тайёргарлик кўриш, оромгоҳларни таъмирлаш, жиҳозлаш, зарур хизмат тизимини шай ҳолга келтириш, ўғил-қизлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тадбирларни амалга ошириш ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Буни яхши идрок этган Навоий вилояти касаба уюшмалари Кенгаши энг аввало, ўтган йилдаги хато-камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, муаммолар тугунига олдиндан ечимлар топиб қўйишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, 1999 йил ёзги мавсумда оромгоҳларда 10,5 минг нафар ўғил-қиз дам олиши режалаштирилган бўлса, аслида улар сони салкам 8 минг нафарни ташкил этди. Бунга март ойида ёққан сел оқибатида анча шикастланган Нурота туманидаги «Сентоб» соғломлаштириш маскани СЭС томонидан ёпиб қўйилганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шунга қарамасдан, ўз вақтида ишга туширилган бошқа оромгоҳларда болаларнинг талаблар даражасида дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун энг асосий шарт-шароитларни яратиб бериш пайида бўлинди. Кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳи вилоятдаги барча масканларда бўлиб, ўғил-қизларнинг тарбия олиши, овқатланиши, спорт турлари билан шуғулланиши ва уларга кўрсатилаётган бошқа хизматларни ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатиб, тегишли тавсиялар берди. Булар бесамар кетмади. Болалар тарбиясига оид қизиқарли тадбирлар амалга оширилди. Йўлланмаларни тарқатиш жараёнида кам таъминланган, кўп болали оилалар алоҳида ҳисобга олинди.

Бироқ шунга қарамасдан бир қанча камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу айниқса, халқ таълими тизимининг ёшлар тарбиясига доир масалада педагогик таркиб билан етарли даражада иш олиб бормаганлигида сезилди. Бундан ташқари, ҳужжатларни расмийлаштириш, қўлланмали адабиётлар билан таъминлаш, «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил қилишда ҳам сусткашликка йўл қўйилди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят ҳокимлигининг «Вилоятда болаларнинг 2000 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарорида юқорида баён қилинган барча камчиликлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлар тўла ҳисобга олинди. Жумладан, унда соғломлаштириш масканларини ўзаро келишув асосида савдо ташкилотлари, фермер ва жамоа хўжаликлари, тайёрлов идораларига бириктириб қўйиш ва шу йўл билан уларни сифатли ҳўл мева, сабзавот, нон-булка ҳамда сут, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қайд этилган. Ёнғин, кўчки хавфи, сув тошқинини олдини олиш, болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриш, бунинг учун эса етарли даражада малакали тиббий ходимларни жалб этиш, дори-дармонлар узулишига йўл қўймаслик каби ҳаётий муҳим масалаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Яна бир жиҳат — Президент асарлари, янги, замонавий адабиётлар, педагогик таркиб ва болаларбоп газета-журналлар билан таъминланган кутубхоналар, маънавиятга оид ўқишларни ташкил этиш, меҳнат ва уруш фахрийлари, мамлакатимиз илғор кишилари билан учрашувларни мунтазам уюштириш ва бошқа тадбирлар ўтказиш мўлжаллангани эътиборга лойиқдир.

Айни кунларда оромгоҳларни ёзги мавсумга шайлаш ишлари қизғин паллага кирган. Айниқса, замонавий, ҳамма жиҳатдан талабларга жавоб берадиган «Навоийазот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 450 ўринли «Офтобжон», Навбаҳор туманидаги 200 ўринли «Ўзбекистон», Навоий туманида жойлашган 100 нафар ўғил-қизга мўлжалланган «Дўстлик» дам олиш масканларида кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш юмушлари жадал олиб борилмоқда.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

***Туркиянинг Анталия шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича халқаро турнир якунланди. Унда 28 давлатдан 150 дан ортиқ спортчи иштирок этди.***

Турнирда ёш ҳамюртларимиз Музаффар Абдураҳмонов ва Зоир Азимов ўз вазн тоифаларида ғалаба қозониб, август ойида Франция-

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

да ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмаларни қўлга киритди.

- 1998 йилда Москвада ўтказилган Биринчи Жаҳон ўсмирлар ўйинларининг кумуш медали соҳиби Музаффар Абдураҳмонов ва ўтган йили Ҳиндистондаги халқаро мусобақада кумуш медалга сазовор бўлган Зоир Азимовнинг Туркиядаги ишончли ғалабаси улар Франциядаги жаҳон чемпионати олтин медалларига жиддий даъвогарлардан эканлигини кўрсатади, -дейди мураббий Қўлдош Асрақулов.

*«2000 йил - Соғлом авлод йили»*

# МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ



Мирзо Улуғбек туманида жойлашган шаҳар Марказий касалхонаси 250 дан ортиқ беморларни даволаш имкониятига эга бўлиб, шифо масканида асаб касалликлари, терапия, жарроҳлик, туғруқхона бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Беморлар дардига 7 нафар фан номзоди, 26 нафар олий тоифали, 17 нафар 1- ва 2-тоифали шифокорлар малҳам бўлмоқдалар. Уларнинг малакали хизматлари ва ширин муомалаларидан дардларига даво топаётган беморлар касалхонадан куч-қувват тўплаб чиқмоқдалар.

Физиотерапевтик усуллар орқали даволашни янада яхшилаш мақсадида бу ерда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Куни кеча ажойиб ва замонавий лойиҳа асосида қурилган сув ости муолажаларига эга бўлган бассейн, дурли ванна, шифобахш балчиқ, айланма даволаш душлари каби муолажа хоналари фойдаланишга топширилди. Бу ишларни амалга оширишда Тошкент шаҳар ҳокимияти яқиндан ёрдам берди.

Хусусан, масканнинг туғруқхона бўлимида яратилган шароит кўзни қувонтиради. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу бўлимда туғилажак бола ва она саломатлиги жиддий муҳофазага олинганлигини эътироф этиш лозим. Бунга осонликча эришилаётгани йўқ, албатта.

— Бизда ишга қабул қилинаётган ёш мутахассисларнинг билим ва салоҳиятига катта эътибор берилади, — дейди касалхона бош ҳакимининг даволаш ишлари бўйича муовини Нигора Далимова. — Ходимларимиз ўртасида йилда икки марта аттестация синови ўтказамиз. Бундан ташқари, тажрибали шифокорларнинг иш фаолиятларини «Устоз-шогирд» дастури асосида оммалаштириш йўлга қўйилган. Бу ҳам акушер-гинекологларимиз фаолияти ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, уларнинг барчаси замонавий тиббиёт сирларини пухта ўзлаштирмоқда.



**Раъно МАҲКАМОВА,**
**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

**<u>Суратларда</u>: Шифохона ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Фахр*

# ЎЗБЕК ҲУНАРМАНДЛАРИ – ЧЕТ ЭЛДА

Мамлакатимизнинг икки минг нафарга яқин ҳунармандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган тадбиркорларнинг республика «Ташаббус» танловида иштирок этишди. Қўли гул усталарнинг 14 нафари 14 апрел куни Тошкентда бўлиб ўтадиган беллашувнинг финал босқичига чиқишди.

— «Ташаббус» танловининг бу йилги иштирокчилари 1997 йилда бўлиб ўтган ана шундай беллашувда қатнашган усталарга нисбатан сон жиҳатдан икки ярим марта кўпдир, — деди «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Номоз Облоқулов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Уюшма аъзолари сафлари муттасил кенгайиб бормоқда. Ҳозир 8 минг устани бирлаштириб турган «Ҳунарманд»нинг сафи ой сайин 250-300 кишига кўпаймоқда.

Н.Облоқуловнинг сўзларига қараганда, танловга, асосан, халқ ҳунармандлари қўлидан чиққан маҳсулотлар қўйилган. Фарғона водийси вилоятлари усталари кулолчилик маҳсулотларини, миллий газламамиз — хонатласни намойиш этишса, Андижон вилоятининг қўли гул ҳунармандлари, шу билан бирга, ўз мебеллари ва гобеленлари билан ҳам танловда қатнашмоқдалар. Хоразм вилояти намояндалари ёғоч ўймакорлиги асарлари ва гиламларни, самарқандликлар кулолчилик ишлари ва каштачилик намуналарини, Бухоро вилояти вакиллари зардўзлик асарларини кўргазмага қўйишган.

Халқ усталари учун «Ташаббус»да беллашув, аввало, ўзларининг энг сўнгги ишларини кенг мухлислар жамоаси ҳукмига ҳавола этиш, ҳамкасблар билан тажриба алмаштириш, маҳсулот сотиш учун янги бозорлар топиш, харидорлар диққатини жалб этиш имконини қўлга киритишдир.

Масалан, танловнинг ўтган йилги ғолиби, ғиждувонлик кулол Алишер Нарзуллаев ижодига Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси қизиқиш билдирди. Элчихона ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли А.Нарзуллаев Японияга ижодий сафар уюштирди. Шу тариқа уста Алишер Японияда олти ой яшаб, ана шу давр мобайнида 200 га яқин лаган, пиёла, коса, кўза ва бошқа кулолчилик маҳсулотлари ясади. Ўзбекистонлик уста мазкур буюмларнинг бир қисмини маҳаллий музейларга тақдим этди, унинг қолган маҳсулотлари эса махсус уюштирилган кўргазма-савдо орқали сотилди.

— Ўзбекистон тадбиркорларининг ўтган йилги «Ташаббус» танлови, шунингдек, бошқа кўпгина хорижлик тижоратчиларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этган эди. Жумладан, ўзбек ҳунармандларининг маҳсулотларини экспорт қилишни уюштириш мақсадида яқинда АҚШдан экспертлар ташриф буюришади, — деди пировардида Н.Облоқулов.

**«Туркистон-пресс».**

# ҚИММАТЛИ ТОПИЛМА

1922 йил эди. Газеталарда Картер деган америкалик олим бошчилигидаги бир гуруҳ археологларнинг «Подшолар водийси» да (қадимги Миср фиръавнлари дафн этилган жой) бундан уч минг йил илгари ўтган Миср фиръавини Тутанхамоннинг мақбарасини топишгани тўғрисида хабар тарқалади.

Шу вақтгача ҳеч ким ошкор этаолмаган мазкур мақбаранинг ичида жуда хилма-хил ажойиб буюмлар борлиги маълум бўлди. Жумладан, ранг-баранг шишадан ишланган турли идишлар, рангли шишалардан ясалган қадимги нақиш солинган ёғоч буюмлар топилди.

Картернинг бу топилмаси фан учун катта аҳамиятга эга бўлди. Демак, бундан уч минг йил бурун Мисрда ажойиб шишасоз усталар бўлганки, улар шишадан ҳар турли нозик жиҳозлар ишлашни билишган.

Бошқа бир олим эса мисрлик аллақандай аёл мақбарасидан тўр минг йиллик тарихга эга бўлган турли рангдаги шишалардан ишланган ажойиб медальон топди.

# ЭНГ ШАРАФЛИ ТАОМ

Макарон» италянча «Макарре» сўзидан олинган бўлиб, хамир қоқмоқ деган маънони англатади. Макарон италянларнинг миллий масаллиғи ҳисобланади. Ҳатто макаронни биринчи маротаба жорий қилган кишига Римда ҳайкал ўрнатилган.

Макарон жуда қадим даврларда яшаган пазандаларнинг маҳорати билан кашф этилган бўлиб, бироқ унинг ватани Италия эмас, балки Ўрта Осиё ва Хитойдир. XIII асрда венециялик савдогар ва саёҳатчи Марко Поло макароннинг Италияга келиб қолишига сабабчи бўлган.

«Вермиччели», яъни, «хамир чувалчанг» ҳамда «спагге-ти», яъни «чилвир» макороннинг энг кўп тарқалган турларидан ҳисобланади.

* * *

Юқорида айтилганидек, итальян пазандалигида энг шарафли таом макарон маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар ҳисобланади. Рим шаҳрида «Спаггети» деб номланган ўзига хос музей очилган.

Бу музейга жаҳонда тайёрланадиган макаронларнинг минглаб хиллари қўйилган. Музей 6 залдан иборат бўлиб, биринчи залга кираверишда катта ҳарфлар билан «Макарон лағмондан келиб чиққан» деб ёзиб қўйилган.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Буюртма Г— 294. 1 2 3 4 5 6